

# **НОГИРОНЛАР ИЖТИМОЙ АДАПТАЦИЯСИ ОМИЛЛАРИ**

Минаварова Гавхарой Мукимджановна

АДТИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

## **Аннотация**

Мазкур мақолада ногиронликнинг асосий омиллари, тиббий реабилитация усуллари,ижтимоий -  
касбий реабилитация, реабилитацияни техник воситалари,шахсий реабилитация дастурлари кўриб  
чиқилган

Калит сўзлар

Нуқсон,концепция,асорат,фалоият, тиббий ижтимоий экспертиза, реконструктив  
жаррохлик,тавсия, диагностика

## **Annotation**

**This article examines the main factors of disability, medical rehabilitation methods, social-professional rehabilitation, technical means of rehabilitation, and personal rehabilitation programs.**

## **Keywords:**

**Defect, concept, complication, activity, medical social expertise, reconstructive surgery, recommendation, diagnosis**

Ногиронлик ( лотинча *invalidus* - кучсиз, қувватсиз) –касаллик, жароҳат ёки  
касаллик асоратлари шу билан бирга анатомик нуқсон туфайли тана  
вазифаларини чуқур бузилиши, инсон хаёт фаолиятини чекланиши ва  
ижтимоий химояланишга олиб келувчи- ижтимоий  
етишмовчиликдир. Ногиронлик инсон хаётини бир қисми бўлиб, одам  
фаолиятини вақтинчалик ёки доимий равишда бузилишидир, айниқса ёш  
ўтган сари бу холат ортиб боради. ЖССТ нинг замонавий концепциясига  
асосан реабилитацияни буюриш учун кўрсатма бўлиб касаллик ёки жароҳат  
эмас балки уни асоратлари хисобланади. Тиббий реабилитацияга эҳтиёж бу  
асоратларни йўқотиш ёки камайтириш мумкин булган холда пайдо бўлади.

Ногирон – касаллик, жарохат ёки нүқсонлар туфайли хаёт фаолияти чукур чекланган хамда бузилган ва ижтимоий химояга мухтој шахс. Ногиронлик гурухи тана вазифаларини бузилиш ва хаёт фаолиятини чекланиш даражасига қараб республика муассасалар томонидан тиббий ижтимоий экспертиза қилинади ва берилади. ЖССТни малумотлариға кўра (2011) бир миллиард одамдан ортиқ яни 15% ахоли ногиронликни қандайдир шакли билан яшайи. Илмий техник ривожланишни тезлашиши, индустрIALIZация ва урбанизацияни ўсиши, ишда ва турмушда стрессоген омилларни ортиши хисобига бу кўрсаткич ортиб бомокда.

Ногиронлар реабилитацияси тўлиқ ёки қисман ногиронларни қунлик турмуш тарзи, жамоавий ва меҳнат фаолиятини тикловчи тизим ва жараёндир.. Ногиронлар реабилитацияси жамиятда ўз ўрнини топиш , хаёт фаолиятини чекланишини кўпроқ қоплаш бузилган саломатликни тиклаш ногиронларни ижтимоий адаптацияси, моддий мустақиллика эришиш ва жамиятга қўшилишини таминлашга қаратилган.

Ногиронлар реабилитациясини асосий йўналишлари: тикловчи тиббий тадбирлар , реконструктив жаррохлик, протезлаш ва ортезирлаш, санатор-курорт даволаш, қасбий ориентация, ўқитиш ва таълим, ишга жойлашишга кўмаклашиш, ишлаб чиқаришга мослаштириш (адаптация),ижтимоий мухитли, ижтимоий педагогик,ижтимоий психологик (рухий) ва ижтимоий маданий реабилитация, ижтимоий турмушга мослаштириш (адаптация), жисмоний соғломлаштирувчи тадбирлар, спорт.

Ногиронлар реабилитацияси тиббий, психолого-педагогик,ижтимоий ва қасбий реабилитацияни ўз ичига олади. Бу йифинди “тиббий социал ребилитация” хам деб аталади. Ногиронлар ребилитациясини хар хил турларини жипс алоқасига қарамай тиббий реабилитацияни асосий вазифаси касаллик ёки жарохатни асоратларини йўқотиш бўлса, ногиронлар реабилитациясини асосий мақсади мижознинг хаёт фаолиятини чекланишини

максимал даражада йўқотиш, уни меҳнат қобилиятини сақлаш ёки тиклаш, хаёт сифатини орттиришдир.

Шу билан биргаликда касбий реабилитация ижтимоий химоя қилувчи муассасалар томонидан олиб борилади ва касбий маҳоратларини тикланишига, мижозларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаш, иложи бўлмаган холатларда ўз-ўзига хизмат қила олишга ўргатиш. Ижтимоий реабилитация ахоли бандлиги хизматлари томонидан олиб борилади ва қонуний асос ишлаб чиқиши, меёрий хуқуқий хужжатлар қабул қилишни ўз ичига олади, маълум ижтимоий хуқуқни ва имтиёзларни, реабилитацияга муҳтожларга кафолатлаш ва бу қарорларни амалга оширишни таминлаш хисобланади.

Тиббий – ижтимоий реабилитация жароҳатлар натижаси ёки турли хил даражада ногиронлиги бор, ва улар тиибий – ижтимоитй экспертиза натижасида аниқланган шахсларга кўрсатилади. Текширувлар натижасида аниқланган хаётий функциялари бузилган, бутунлай ўзгалар ёрдамига муҳтож ва тикланиши мумкин бўлмаган, беморларга тиббий муассасаларда хизмат амалга оширилади

Беморнинг ногиронлиги тан олингандан сўнг унинг шахсий реабилитация дастури тузилади – бу организм фаолиятини, йуқолган функцияларини тиклашга қаратилган турли хилдаги, шаклдаги, хажмдаги, муддатли реабилитацион чоралар тўплами. Бу чоралар давлат ташкилотлари, маҳаллий хокимлмклар ва корхоналар учун мажбурий, лекин ногирон учун тавсиявий хисобланади.

Ногирон боланинг шахсий реабилитация дастури қўйидагилардан иборат : реабилитацион - эксперт диагностика ўтказиш, ногиронни фаолиятини тиклаш учун керак бўлган унинг қизиқишилари, ижтимоий холати ва социал мухитнинг реал имкониятларидан келиб чиқсан ва йўқолган қобилияtlарини тиклашга қаратилган майший, оммавий, касбий

харакатларни бажарувчи реабилитацион салохиятни баҳолаш, реабилитацион прогнозни аниқлаш, реабилитацион чоралар, техник маблағлар ва хизматларни баҳолашдир.

Ногироннинг шахсий реабилитация дастури 1-2 йилга тузилади ва фуқаро 18 ёшга киргунга қадар амал қиласиди. Дастур ногирон тушуниш даражасини хисобга олган холда тушунтириб берилади. Ногироннинг шахсий реабилитация дастурини турли хил реабилитация муассасалари ва бўлимлари амалго оширади, улар реабилитация чораларининг изчиллигини, уйғунлигини, давомийлигини . назоратини ва самарадорлигини таъминлайдилар. Ногироннинг шахсий реабилитация дастури координациясини ва ногиронга керак бўлган ёрдамни ахолини химоя киладиган орган амалга оширади, тиббий, психолог – педагогик, ижтимоий ва касбий реабилитация натижасини республика бош бюро мутахассислари ногиронни кўрув натижасида аниқлаб беради.

Ногироннинг шахсий реабилитация дастури учта бўлимдан иборат : тиббий реабилитацион дастури, касбий ва меҳнат реабилитацияси, ижтимоий реабилитация. Ногироннинг шахсий реабилитация дастуридаги реабилитацион тадбирлар ногиронга тақдим этилгант техник воситалар ва реабилитация хизматлари хажми федерал рўйхатдан кам бўлмаслиги керак.

## РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ

Реабилитациянинг техник воситаларига (РТВ) техник ечимлари мавжуд бўлган мосламалар , шу қаторда ногирон хаёт тарзини чекловини олдини оладиган маҳсус асбоблар киради. Булар қаторига ўз ўзига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган мосламалар ( еталаб юрувчи итлар) таълим, мулоқот, ўқиши воситалари ( кўзи ожизлар учун адабиёт ), протез асбоблари ( протез – ортопедик буюмлар, ортопедик пойафзал ва маҳсус кийимлар, кўз протезлари ва эшитиш аппаратлари); маҳсус спорт

ва тренажер анжомлар киради.

РТВ асосий характеристикаси қўлланилган материаллар, дизайнни ва конструктив ечими қўлланилишининг хавфсизлигидир. РТВ мосламаси оддий, ишончли, бутун, сотиб олиши осон бўлган ва таъмирланинши мумкин бўлган бўлиши лозим.

Ногироннинг яшаш мухити унга қулайлик, дам олиш учун шарт – шароитлар, инсонлараро коммуникация имкониятини шундай даражада таъминлаш керакки, у ўзини лаёқатсизлигини сезмаслиги керак . РТВ ҳаёт тарзи мухитини кенгайтириб, ногиронга хаётий тўсиқларни қисман енгиб ўтишга ёрдам беради.

Бундай тўсиқлар турли ҳил белгиларга қараб умумлашади – жой (квартира, подъезд, ховли, кўча, оммавий хоналар), хаётий фаолият чегараланиши ( масофа босиб ўтганда, ахборот олишда, ўз ўзига хизмат қилишда, ўзи хақидаги маълумот берилганда), мулки (хусусий, давлат, муниципал), хизмат қилиш, режалаштириш ва б. Булар атроф мухитни мослаштириш йули орқали, техник воситалар ёки ёрдамчилар ёрдамида енгиб ўтилиши мумкин.

Федерал қонунчилик ижтимоий – маданий обьектлар, умумхалқ транспорт воситалари, ахборотни ногиронлар ишлатиши учун қулай ва мажбурий қилиб белгилаб қўйган. Шу билан бир қаторда ногиронларни оммадан сунъий ажратиб олиб, интернатга жойлаш оммада ногиронларга ва ёши катта инсонларга нисбатан негатив муносабатни келтириб чиқаради .

Адабиётлар рўйхати

1. Медицинская реабилитация : учебник / Г. Н. Пономаренко. — М. : ГЭОТАР-Медиа, 2014
2. Минаварова Г.М. Аспекты обучения профессиональному языку студентов медвузов

3.Рахматова З.М. Роль интерактивнқұх методов в обучении студентов самостоятельному мышлению. - *Экономика и социум №10 (101)2022*